“Asia Alliance Bank” АТБ Корпоратив
Кредитлаш қўмитасининг 2026 йил
15.05даги 4813 баённомасига 1 илова

**“LOANS LIMIT”**
**номли маҳсулотининг асосий шартлари**

<table>
<tr><th>Кўрсаткичлар</th><th>Тавсифи</th></tr>
<tr><td>Маҳсулот мақсади</td><td>Банк томонидан белгиланган лимит, муддат ва бошқа шартлар асосида Банк ва Қарздор ўртасида тузиладиган Бош келишув орқали Қарздорга ажратиладиган кредитлар ва унга тенглаштирилган амалиётлар бўйича Банкнинг кредит маҳсулотларини тақдим этиш.</td></tr>
<tr><td>Лимит максимал суммаси</td><td>Максимал суммаси банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига асосан белгиланади.</td></tr>
<tr><td>Лимит муддати (макс)</td><td>60 ойгача.</td></tr>
<tr><td>Ҳар бир тузиладиган кредит шартномаси бўйича имтиёзли давр</td><td>8 ойгача.</td></tr>
<tr><td>Валюта тури</td><td>Миллий ва хорижий валюта.</td></tr>
<tr><td>Фоиз ставка, комиссия ва устамалар</td><td>Кредитлар бўйича:
<table>
<tr><th>Индивидуал кредит шартнома муддати</th><th>Миллий валюта</th><th>АҚШ доллари</th><th>Евро</th></tr>
<tr><td>12 ойгача</td><td>21% дан кам бўлмаган миқдорда</td><td>12,5%</td><td>10,0%</td></tr>
<tr><td>12 ойдан 24 ойгача</td><td>22% дан кам бўлмаган миқдорда</td><td>13,0%</td><td>10,5%</td></tr>
<tr><td>24 ойдан 36 ойгача</td><td>23% дан кам бўлмаган миқдорда</td><td>13,5%</td><td>11,5%</td></tr>
<tr><td>36 ойдан 60 ойгача</td><td>26% дан кам бўлмаган миқдорда</td><td>14,0%</td><td>12,0%</td></tr>
</table>
Мижозларнинг талабларидан келиб чиқиб сўралган кредит маҳсулотлари бўйича фоиз ставка, комиссия ва устамалар лойиҳа кўриб чиқилаётган вақтдаги амалдаги тарифларга асосан белгиланади.</td></tr>
<tr><td>Кредит ажратиш шакли</td><td>1. Кредит маблағлари қарздорнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ амалиётлар бўйича харажатлар тўловларини амалга ошириш учун унинг депозит ҳисоб рақамига ўтказиш орқали;<br>2. Банк кассасидан нақд кўринишда (Кредит маблағлари кредитлаш бўлими назорати остида мижознинг ссуда ҳисоб рақамидан фақатгина миллий валютада Банк кассаси орқали нақд пулда бериш орқали ажратилади. Бунда мижоздан қўшимча комиссия ундирилмайди);<br>3. Мижоз томонидан тақдим этилган шартномага асосан пул кўчириш йўли орқали ўтказилади;</td></tr>
<tr><td>Кредитни сўндириш тартиби</td><td>Дифферентсиал/Аннуитет.</td></tr>
<tr><td>Кредит таъминоти</td><td>Банк ички меъёрий ҳужжатларга асосан</td></tr>
<tr><td>Қўшимча шартлар</td><td>Қарз олувчига “Asia Alliance Bank” АТБ тизимида фақатгина суғурта полиси таъминоти асосида берилган кредитларнинг миқдори умумий қийматда юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари бўйича 500,0 млн. сўмдан, юридик шахс мақомига эга</td></tr>
</table>

| | |
|---|---|
| | бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ, ОТ, ХТ ва хк.) бўйича 300,0 млн. сўмдан ошмаслиги лозим. Шунингдек назорат асосида бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳига ажратилган кредитлар билан биргаликда ҳисобланганда таъминотида фақатгина суғурта полиси бўлган умумий кредитлари қолдиғи 1,0 млрд. сўмдан ошмаслиги лозим.<br>Кредит маблағларининг мақсадли ишлатилиши корхонанинг тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ҳисоб рақамига йўналтирилганда ва/ёки банк кассасида накд кўринишида ажратилганда алоҳида тартибда текширилмайди ва далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилмайди.<br>Бош келишув имзоланган санадан бошлаб мижоз томонидан 12 ой мобайнида кредит маҳсулотларидан фойдаланилмаган тақдирда ушбу лимит ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ва ҳар тузиладиган индивидуал шартномалар лойиҳа кўрсаткичларидан келиб чиқиб Бош келишув муддатида ҳам тузилиши мумкин. |
| Мижозга қўйиладиган талаблар | 1. Мавжуд кредит ва унга тенглаштирилган операциялар бўйича муддати ўтган кредит қарздорлиги бўлмаслиги;<br>2. Кредитлар бўйича оҳирги 12 ой ичида:<br>30+дан ошган муддати ўтган қарздорликлари 2 тадан кўп бўлмаслиги;<br>60+дан ошган муддати ўтган қарздорликлари 1 тадан кўп бўлмаслиги;<br>90+дан ошган муддати ўтган қарздорликлари бўлмаслиги;<br>3. Назорат асосида ўзаро алоқадор корхоналарининг “Asia Alliance Bank” АТБ тизимида муддати ўтган кредит қарздорликлари мавжуд бўлмаслиги;<br>4. Назорат асосида қарз олувчини кредит тарихи тўғрисидаги (КАТМ) маълумотномасига асосан мижознинг барча тижорат банклари ҳамда ўзаро алоқадор корхоналарининг “Asia Alliance Bank” АТБ тизимида «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» тоифаларида таснифланган амалдаги кредитлари мавжуд бўлмаслиги;<br>5. Мижознинг Мажбурий ижро бюроси томонидан очилган ижро иши бўйича тўланиши лозим бўлган маблағ бўлмаслиги лозим;<br>6. Оҳирги 3 йилда суд жараёнидаги кредит қарздорликларига умуман йўл қўйилмаган бўлиши;<br>7. Балансдан ташқари ҳисоб рақамга олинган кредит қарздорликларига умуман йўл қўйилмаган бўлиши. |